



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз АСТА NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/3**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонова О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Эргашев И. – ф.ф.д., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

| | |
|---|----|
| Атамуратова Д. 1941-1945 йиллар Хоразм матбуотида сиёсий ҳамда ҳарбий-сиёсий масалалар: аҳамияти ва таҳлили | 4 |
| Габриелян С. Соперничество шахиншахского и учетно-судного банков в Персии в 1912-1914 годы..... | 8 |
| Исмаилова Н. Мустақилликнинг дастлаб йилларида Ўзбекистонда халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асослари..... | 12 |
| Мамажонов И. Мустақиллик йиллари нотариат соҳасини тубдан ислоҳ қилиниши ва жамиятда нотариат соҳасининг тутган ўрни | 16 |
| Мухамедов Я. Чоч, Ғарбий турк хоқонлигининг маъмурий маркази сифатида..... | 20 |
| Radjabova N. V.V.Krestovskiy va D.N.Logofetlarning kitoblarida Buxorodagi musiqa va raqs san'ati haqida ma'lumotlar | 24 |
| Сангирова Д. Ўлчов бирликлари тарихи: анъанавий метрология..... | 27 |
| Сиддиқов Р. Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ва ривожланиши .. | 31 |
| Тошбоев Ф., Тугалов Б. Қадимги Уструшона аҳолисининг марҳумни “поклаш” билан боғлиқ дафн маросимлари | 35 |
| Усмонов Ф. XX аср 20-30 йилларида Тошкентда болалар қаровсизлиги масаласи (архив материаллари асосида) | 39 |
| Худойкулов У. XX аср 50-80-йиллари Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда трактор мутахассис кадрларни тайёрлаш..... | 43 |
| Ҳайдаров Ғ. Хорижий инвестицияларни жалб этишдаги муаммолар ва ечимлар (Фарғона водийси вилоятлари мисолида, 1991-2010 йиллар)..... | 47 |
| Ҳамраев С. Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги элчилик алоқаларини ўрганишда маҳаллий манбаларнинг ўрни..... | 51 |
| Шодиева Ш. Бухорода герман-турк жосуслик фаолияти..... | 55 |

Фалсафа, Педагогика, Психология, Методика, Социология, Сиёсий фанлар

| | |
|--|-----|
| Агзамходжаева Ш. Исторические источники о философском мировоззрении Навои..... | 58 |
| Адыгезалов А. Узбекско-Азербайджанское взаимодействие в рамках организации тюркских государств ... | 61 |
| Aydarov E. Ekologik madaniyat, ta'lim-tarbiya berishning nazariy-uslubiy asoslari haqida ayrim mulohazalar..... | 65 |
| Алланазарова И., Абдрашитова И. Анализ перспектив, проблем и путей их решения в методике преподавания биологии в школе..... | 69 |
| Асилбеков Н. Талаба шахсини касбга ўргатишнинг илмий-назарий асослари | 72 |
| Асқарова З. Ўзбекистон тасвирий санъатида ижодкор аёллар | 75 |
| Ahmadjonov O. Elektron madaniyatda shaxs va sun'iy ongni tutgan o'rni borasidagi fikrlar | 79 |
| Ахмедов Ж. Ўзбекистонда миллий кулолчилик анъаналари (Риштон кулолчилик мактаби мисолида)..... | 83 |
| Ahmedova M., Xusenova N. Ona tili o'qitish metodikasi ta'limi asosida talabalarni nutqiy ko'nikmalarini rivojlantirishda mustaqil ish, sinov-test topshiriqlaridan foydalanish | 86 |
| Ганчерёнок И., Жабборов Н., Седнина М. Преподавание на английском языке в высшей школе как эффективный механизм интеллектуальной мобильности | 91 |
| Guliyeva E. Theoretical fundamentals on productive speech peculiarities | 95 |
| Kalandarova S. The formation of learners competence based on Business English | 99 |
| Кенжаев Ш. Совершенствование системы подготовки будущих учителей к нравственному воспитанию учащихся | 103 |
| Qudratov S. Innovative approaches and advanced in the development of professional competence of teachers | 106 |
| Маджидова Р., Мухитдинова Х. Роль лингвострановедческих мультимедийных средств в преподавании узбекского языка как иностранного..... | 109 |
| Мамадалиев Б. Электрон таълим муҳитида “Электр юритма асослари” фанини ўқитиш мазмуни ва муаммолари..... | 112 |
| Мирзахмедов А., Парпиев И. Талаба – ёшларнинг компьютер тобелиги профилактикасига доир мулоҳазалар..... | 115 |
| Мўминов Х. Масофавий таълим орқали имконияти чекланган талабаларнинг амалий машғулотларини ўтказиш жараёнининг шарт-шароитлари | 118 |
| Nasriddinov D. Oliy harbiy ta'lim muassasalarida robotlashgan laboratoriya qurilmalarining o'ziga xosligi va ulardan foydalanish | 121 |
| Nafasov M. Onlayn ta'lim va unda mobil ilovalarning roli..... | 124 |
| Nematov L. Texnika oliy ta'lim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanini o'qitish jarayonining samaradorligini oshirish | 128 |
| Отакулов Ш. Гендер тенгликка амал қилиш сиёсатининг асосий тенденциялари..... | 131 |
| Pardaboyev O'. Kredit-modul tizimini talim jarayoniga qo'llashning o'ziga xosligi..... | 135 |
| Ражабов Х. Глобал ахборотлашув ва ахборот сиёсатида янгича қарашлар талқини..... | 138 |
| Rahmanova M., Meyliyeva M. Uzluksiz ta'lim tizimida o'quvchi-yoshlar ijtimoiy faolligini tarbiyalashning ilmiy pedagogik asoslari | 141 |
| Rahmanqulov F. Talabalarda web-dizayn kompetentlikni rivojlantirishning metodik ta'minoti | 145 |
| Сағатова Ш. Психологияда болалар церебрал фалажи муаммосининг ўрганилиши таҳлили | 149 |

| | |
|--|-----|
| Сапарова Г. Миллий ўзликни англашнинг методологик воситалари | 152 |
| Собирова Ш. Талабаларнинг мустақил таълим жараёни мобайнида интернет технологияларидан фойдаланиш қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида | 155 |
| Tangirberdiyev Sh., Mamadaliyev S. Yoshlarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda pedagogik shart-sharoitlarning ahamiyati | 158 |
| Темиров Ш. Мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган жисмоний тарбия дарсларини кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси билан интеграцияси услуги ва хусусиятлари | 155 |
| Tuxtashev U. Raqamli iqtisodiyot sharoitida talabalarni ma'naviy-ahloqiy tarbiyalashda xorijiy davlatlar tajribasi | 158 |
| Umarova G. Maktabgacha yoshdagi bolalarning estetik madaniyatini shakllantirish..... | 161 |
| Urdushev A. Ixtisoslik fanlarini o'qitish jarayonida talabalarning raqobatbardoshligini shakllantirish modeli | 165 |
| Утемуратова З. Пространство дидактики и способа преподавания русского языка для студентов | 169 |
| Хайруллаева Д. Ўқиш компетенциясини акт воситасида такомиллаштиришда гиперматн вазибалари | 172 |
| Xomidjonov J. "Rentgen nurlarining tibbiyotdagi ahamiyati" mavzusini kredit modul tizimida o'qitish | 175 |
| Ҳошимхонов М. Халқ таълими ва олий таълимда Машраб шеърларини ўрганиш услублари | 178 |
| Хусанов Э. Қадимги Ўрта Осиёда тарбиявий масалалар доирасида экологик маданият муаммоси | 181 |
| Найтиов У. Ta'limning innovatsion texnologiyalarga qo'yadigan talab va tamoyillari | 185 |
| Eshboyeva D. Using songs to teach english to preschoolers | 190 |
| Филология | |
| Абдуллаева М. Бобурнома" ва "Шажарайи турк"даги муштаракликлар | 193 |
| Аҳмаджонова О. Адабиётшуносликда психофизиологик ҳолат ва унинг талқини | 197 |
| Ғаффоров Н. Айрим спорт терминларининг структур-семантик тавсифи ва таснифи | 200 |
| Дадажонов О. Немис маърифатпарварлик драмасида қаҳрамон характери талқини | 203 |
| Дехқонова М. Ўзбек адабий танқидчилиги тараққиётига бир назар | 206 |
| Zoirova A. The stylistic similarity of the writer and the translator in the translation of the novel "Cornina or Italy" | 208 |
| Ибрагимов Ш. Телевиденида шарҳ ва шарҳловчи..... | 211 |
| Икромалиева С. Узбекские народные пословицы служат обогащению человеческого мышления | 214 |
| Исмаилов С. Межкультурно-коммуникативные функции художественного перевода..... | 217 |
| Komolova Sh. O'zbek va nemis tillarida paremiologiyaning o'rganilishi | 221 |
| Kuchkarov T., Tuylanov B. "Shiroq" rivoyati va uning tarixiy-genetik asoslari..... | 224 |
| Qahharova S. "Yurmoq" fe'lining semantik tahlili | 228 |
| Қосимов А. Ғарбий Европа романтизм адабиётида мифологизмлардан фойдаланиш хусусида | 231 |
| Қурбонова Г. Нурали Қобул ижодида ҳайвонот олами ва инсон муносабатининг бадиий талқини | 234 |
| Мавлянов С. Дипломатик фаолият, дипломатия тили ва унинг терминологик таркиби (дипломатик услуб расмий услубнинг куйи услуги сифатида)..... | 238 |
| Mansurova N. Ingliz tilida boshqaruv terminologiyasiga oid terminlarning asosiy morfologik va morfologik-sintaktik so'z yasash usullari | 242 |
| Махмудова Ф. Саид Аҳмад ҳажвияларида ёрдамчи сўз туркумларининг нутқий воқеланиши | 245 |
| Murodova D. America description in The Pioneers by James Fenimore Cooper..... | 249 |
| Мустафоқулова М. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржимада "sly" яъни "айёр, маккор" сифатининг коннотатив маъносидаги ижобий, нейтрал ва салбий маъноларда фойдаланиши | 252 |
| Намазова М. Амир Худойберди ижоди босқичлари..... | 255 |
| Низамова М. Развитие проблематики раннего творчества У.Голдинга в романах 1970-80-х годов..... | 258 |
| Рахимова М. Эссе матнида синонимларнинг услубий қўлланиш имкониятлари | 261 |
| Safarova D. Transatlantic Vector in the works of Ernest Hemingway | 264 |
| Sultanova Sh. Tilshunoslikda lingvistik terminlarning qiyosiy tahlili | 267 |
| Суёнов Б. Тиллараро ташқи тиббий лақналар бирликлар | 269 |
| Тилова Г. Немис ва ўзбек тилларида дендронимларнинг этимологик таснифи | 272 |
| Тўраева Б. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида хронотоп категориясининг ўрганилиши | 275 |
| Узакова Г. Дискурсальный анализ фразеологических единиц | 278 |
| Umarova N., Mahmudova O. Tilshunoslikda leksik ma'no va tushunchaning umumiy va xususiy xarakterlanishi | 281 |
| Khudayberdiyeva G. Psychological mastery in the novels of J. K. Rowling | 284 |
| Хўжамуродова О. Антропонимлар таркибида гул лексемаси ва унинг лисоний ва нолисоний омиллари ва хусусиятлари..... | 287 |
| Ҳожиева Г. Француз ва ўзбек тилларидаги санъат терминларининг лингвомаданий хусусиятлари таҳлили | 290 |
| Ҳошимхонов М. Ўзбек шоири машраб ижодининг хорижда ўрганилишига доир қайдлар..... | 293 |
| Sharipova M. "Qo'y" LMGi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarida metaforizatsiyalashuv | 296 |
| Sherqulov S. Uilyam Folknerning "Shovqin va g'azab" romanida fojeaviylik..... | 299 |
| Eshboyeva Q. Akademik lug'atlarda ma'noviy darajalanish talqini | 302 |
| Юлдошева Н. Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи акцентуатив омиллар | 305 |



УДК:94(575/146)

Шахло ШОДИЕВА,
Бухоро давлат университети таянч докторанти
sh.shodiyeva_1991@mail.ru

ЎзМУ доценти А.Замонов тақризи асосида

БУХОРОДА ГЕРМАН-ТУРК ЖОСУСЛИК ФАОЛИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақолада Биринчи жаҳон уриши арафасида ва уруш йилларида Бухоро амирлигига турк тарғиботчилари билан бир қаторда герман жосусларининг кириб келиши, турк-герман эмиссарлари томонидан халқ орасида русларга қарши қайфиятни кучайтирувчи ташвиқотларнинг олиб борилганлиги, Усмонли турк махсус ташкилоти вакили бўлган Аҳмад Камол афанди фаолияти билан боғлиқ масалалар, шунингдек, герман-турк блогининг уруш бошланиш арафасидаги асосий мақсади ва назарияси архив материаллари ва тарихий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Биринчи жаҳон уруши, эмиссарлар, герман-турк блоки, Аҳмад Камол афанди, “Исломни ўрганиш жамияти”, “Немис-Осиё жамияти”, айғоқчилик.

GERMANO-TURCEKIIY ŞPIYONAJ V BUXARE

Аннотация

В данной статье на основе исторической литературы и архивных источников проводится анализ накануне Первой мировой войны и в годы войны прибытие немецких шпионов в Бухарский эмират. Также было изучено, что турецкими пропагандистами и турецко-германские эмиссары осуществляли антироссийскую пропаганду и основная цель и теория немецко-турецкого блога накануне войны

Ключевые слова: Первая мировая война, эмиссары, германо-турецкий блок, Ахмад Кемаль эфенди, «Общество изучения ислама», «Германско-азиатское общество», шпионаж

GERMAN-TURKISH ESPIONAGE IN BUKHARA

Annotation

In this article, based on historical literature and archival sources, an analysis is made on the eve of the First World War and during the war years, the arrival of German spies in the Emirate of Bukhara. It was also studied that Turkish propagandists and Turkish-German emissaries carried out anti-Russian propaganda and the main goal and theory of the German-Turkish bloc on the eve of the war

Key words: World War I, emissaries, German-Turkish bloc, Ahmad Kemal Efendi, Society for the Study of Islam, German-Asiatic Society, espionage

Кириш. XX аср бошларида Шарқ дунёсида миллий ўзликни англаш ва миллий истиқлол ғоялари кучайиб борди. Аммо, буюк давлатлар ўзларининг катта сиёсий ўйинларида мусулмонларнинг миллий озодлик туйғуларидан фойдаланишга уринганликлари тарихий ҳақиқатдир. Ўрта Осиё, умуман, Шарқ мусулмон дунёси учун Ислом тараққиётининг олий чўққиси, илғор ва тараққий этган давлати бу Усмонли турк империяси бўлиб ҳисобланган. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг барча давлат раҳбарлари ва оддий мусулмон аҳолиси Усмонли турк султонларини мусулмонларнинг халифаси ва Оллоҳнинг ердаги сояси сифатида эъзоз қилганликлари тарихий манба ва адабиётларда ўз тасдиғини топган[1].

Усмонли турк давлатининг Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро амирлигида фаолиятининг XX аср бошларида кучайиши Туркияда 1907-1908 йилларда “Ёш турklar” инқилоб ғалаба қозонгандан кейин бошланиб кетди деб айтишга тўла асосларимиз етарли. Шарқ мамлакатларида антифеодал чиқишлар, ислохотчилик ва тараққийпарварлик ҳаракатларининг авж олиши, яширин ва ошқора тарзда оддий аҳоли ва маърифатли қатламларнинг Усмонли турк давлатига хайрихоҳликни ошиб боришга туртки бўлганлигини тарихий адабиётлардаги маълумотлар орқали билиб олиш мумкин [8].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Биринчи жаҳон уруши арафасида мусулмон аҳолининг, хусусан,

Россия ва Англия қўл остидаги мусулмон аҳолининг Усмонли турк давлати умумий таъсири остида бирлаштиришни қўллаб-қувватлаган Германия ва Усмонли турк давлатларининг ўзаро яқинлашуви кучайди. Бухоро амирлиги ҳудудига Герман-Турк блоки вакилларининг кириб келиши йўналишлари Афғонистон, Эрон ва Хитой давлатлари ҳудудлари орқали эди. Шу сабабли Бухоро учун аввало биринчи жаҳон уруши даврида ушбу мамлакатга ҳудудий, диний-мазҳабий жиҳатдан энг яқини Афғонистонда Герман-Турк тарафдорларини кучайтириш талаб қилинишини барча империалистик давлатлар яқин англари эди[5].

Усмонли турк давлати мавжуд вазиятда Ўрта Осиё мусулмонларининг маънавий ва диний дунёқарашидан фойдаланиб қолишга ва ўзи аъзо бўлган ҳарбий блок давлатлари фойдасига янги фронт очишга ҳаракат қилган дейиш учун барча асослар мавжуд. Жумладан, уруш бошланиш арафасида, 1913 йилда тузилган “Мусулмонлар кенгаши” (Германия) ташкилотининг қўллаб-қувватлари Ўрта Осиё, жумладан, Бухорода ҳам Герман-Турк fronti манфаатлари йўлди тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, Усмонли турк давлати бошчилигида барча мусулмонлар ва туркларни “муқаддас уруш” мисол тариқасида келтириб ўтадиган бўлсак, 1913 йилнинг охирида биз юқорида таъкидлаб ўтган йўналишдаги тарғибот масалаларини йўлга қўйиш мақсадида, Усмон афанди, Саид Афанди, Бурхон афанди ва Хайфи

афандилар Бухорога томон йўлга чиққанлари хусусидаги маълумотлар тарихий тадқиқотларда ўз аксини топганлигини кўриш мумкин[6].

Биринчи жаҳон уруши арафасида Усмонли турк давлатининг Германия бошчилигидаги ҳарбий блок томонидан туриб урушга кириши аллақачон келишилган бўлиб, Усмонли турк давлати махсус келишилари Туркистон ўлкаси, айниқса, Бухорога алоҳида эътибор билан қараганлар. Бухоро амирлигида Герман-Турк fronti учун тарғибот ишларини жонлантириш учун 1913 йил Ўрта Осиёга савдогар қиёфасида Усмонли турк махсус ташкилот вакили бўлган Аҳмад Камол афанди кириб келади. У Бухоро амирлиги ҳудудида Россия империяси учун кўрсатмага мувофиқ тартибда муаммолар туғдириши лозим эди. Биринчи жаҳон урушида Усмонли турк давлатининг энгилиши ва ушбу салтанатнинг парчаланиб кетиши, ушбу махсус вакилнинг ва унга ўхшаганларнинг ниятидан қайтишини ва ўз юртига қайтиб кетганлигини аниқламаган [1]. Аҳмад Камол жаҳон урушидан бироз муддат ўтиб, Бухоро амирлиги ҳудудида Анвар Пошо томонидан туриб урушда иштирок этганлиги юқорида келтириб ўтган фикр-мулоҳазаларимизни тасдиқлашга хизмат қилади [1]. Юқорида келтирилган маълумотдан шундай хулоса қилиш мумкинки, Усмонли турк давлати ва Германия фойдаси учун биринчи жаҳон уруши арафасида ва уруш даврида келган сиёсатчилар, диверсион гуруҳ вакиллари, эмиссарларнинг барчаси ҳам ўз юртига қайтиб кетмаган. улар ўзларининг маслақларига содиқ қолиб, дастлаб Россия империяси, кейинчалик унинг меросхўри бўлган Совет давлатига ҳам қарши жанговар ҳаракатларини тўхтатмаганлар.

Тадқиқот методологияси. Биринчи жаҳон уруши яқинлашиб қолган бир даврда Бухоро амирлиги саройига Усмонли турк султони Абдулҳамид II нинг яқин одами асли Истанбуллик бўлган Абдулжаҳид шайх юборилади. Унинг тарихий тажрибасида кўпорувчилик ва диверсион жиноятлар талайгина бўлиб, тарихий тадқиқотлар асосида яратилган адабиётларда, унинг Андижонда 1898 йилдаги Дукчи Эшон кўзғолони (Мадали Эшон) кўзғолонининг ташкилотчиларидан бири эканлиги ва Бухоро амирлигида Биринчи жаҳон уруши арафасида ўз фаолиятини қайта йўлга қўйиш учун юборилган шахс сифатида баҳоланганлигига оид маълумотларни кўриш мумкин [6].

Бухоро амирлиги ҳудудига юборилган бу шахс ва унинг тарафдорлари тезда Бухоро амирлиги ва кейинчалик бутун Туркистон ўлкасида Россия империясига қарши миллий озодлик ва мусулмонларнинг ягона давлат бўлиб (Туркия қўл остида) қуролли кураш ташкил этилишига бош-қош бўлишлари мўлжалланганди. Амир узок иккилаб тургач, Герман-Турк fronti учун Россия империяси билан урушга киришни рад этганлиги тарихий адабиётларда ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин[2].

Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлиги ҳудудига кириб келаётган Усмонли турк эмиссарлари ва уларнинг ким эканлигини аниқлашнинг имкони анча қийин бўлган. Чунки Бухоро амирлиги ҳудудидан бориб, Макка ва Мадина шаҳарларида бир неча йиллар давомида истикомат қилувчилар ҳам Усмонли турк паспортларига эга бўлиб, уларнинг барчасини ҳам Усмонли турк давлати жосуслари деб аташ ноўрин бўлиб ҳисобланади. Ҳатто бу хусусда Бухоро амирлиги ҳудудидаги рус сиёсий айғоқчилиги тўплаган маълумотларда ҳам фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилган. Айғоқчиликнинг ўз бошлиқларига юборган махфий маълумотларида, кўплаб турк фуқаролари уруш бошланиши билан амирлик ҳудудини тарк этганликлари, Бухорода Усмонли турк фуқароларининг деярли йўқлиги, Бухороликларнинг узок

вақт Макка ва Мадина шаҳарларида яшаб қайтганларини ҳам турк фуқароси сифатида кузатувга олинганлиги, уларни полиция бошиги Г.Вельман одамлари ҳам кузатаётганлиги тарихий манбаларда қайд этиб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин [9].

Таҳлил ва натижалар. Германия билан Усмонли турк давлати ўртасидаги яширин келишувга кўра, бошланиши қутилаётган жаҳон уруши даврида Усмонли турк армияси Россия империяси ҳудудларига кириб бориши ва уларнинг ғолибона илгари силжишларини осонлаштириш учун олдиндан олиб борилган ташвиқот натижасида Россия империяси ҳудудидаги мусулмонлар томонидан тузилган диверсион гуруҳлар фронт орқасида турли топшириқларни бажариши, кўзғолонлар, тўполонлар, темир йўлларни зарур вақтда издан чиқариши каби вазифаларни бажариши лозим эди. Герман-Турк блогининг уруш бошланиши арафасидаги асосий назарияси ана шундан иборат бўлиб, Усмонли турк давлати томонига юборилган Германия мутахассиси Лиман фон Сандерс бу режа етарли даражада ишончли эмаслиги, у бу қадар кенг ҳудудларда етарлича уюшқоқлик ишларини олиб боришнинг имкони йўқлигини ўз хотираларида келтириб ўтганлигини кўришимиз мумкин [4].

Тарихий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, айғоқчилик манбалари обдон текширилиб, уларни таҳлил чиғиригидан ўтказганда кейингина қуйи бўғиндаги вакилларга юборилган деб хулоса қилиш мумкин. Чунки 1913 йилнинг 8 июл кунда келган хабарларнинг бир нечта эканлиги, уларнинг айнан Германия фойдаси учун (Усмонли турк давлати иштирокисиз) йўлланганлиги ана шундай хулосага келишга асос бўлиб хизмат қилади. Эҳтимол Усмонли турк давлатига Германия ва Австро-Венгрия ишонмаган ёки Туркиянинг ўлкадаги нуфузини текширган бўлиши ҳам мумкин [10].

Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Германия Усмонийлар империясини ўз томонига ағдариб олиш ва Кавказ, Ўрта Осиё, шунингдек, Ҳиндисон ва Хитойгача бўлган ҳудудларда Россия ва Англия давлатларига қарши фронтлар тузиш, миллий озодлик ҳаракатларини авж олдириш орқали уларни Ғарбдаги бир қисм кўшинларини Шарқда тутиб туриш режаси мавжуд эди. Аммо бу режани амалга ошириш қийинлиги сабабли, мусулмонларни қўллаб-қувватлашига эришиш мақсадида қатор ташкилот ва жамиятлар тузилади. Ана шулардан мисол тариқасида немисларнинг “Ислонни ўрганиш жамияти” ва “Немис-Осиё жамияти” кабиларни келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу жамиятлар дастлаб Усмонли турк давлати ва ундан сўнг Россия ва Англия қўл остидаги мусулмонларни Германия томонидан туриб урушга киришишига эришиши лозим эди [3].

Европа давлатлари барибир Усмонли турк давлати ва султон номи билан иш кўргандагина уларнинг режалари бир қадар кўзланган мақсадни бериши мумкинлигини яхши тушунганлар. “Туркистон тўплами”да бу хусусда маълумот келтирилиб, Ўрта Осиёнинг сунна йўналишида эътиқод қилувчи барча аҳолиси Турк султонини ҳурмат қилиши, Бухоро амира эса, ўзини Турк султони хизматкори деб ҳисоблаши, Бухорога тез-тез турк агентлари келиб туриши билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилади [7].

Хулоса ва таклифлар. Биринчи жаҳон уруши арафасида Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро амирлигида Россия империяси ва мустамлака маъмурларига бўлган нафрат, миллий озодлик учун кураш ғоялари шаклланиб бормоқда эди. Айнан мана шу нуктаи назарни кўзлаган Германия ва Усмонли турк давлати махсус хизматлари Бухоро амирлигидаги мусулмонлар ва мусулмонларнинг ўзаро биродар эканлиги ғоясини қурол қилиб, Бухоро амирлигини келажакда Россия империясига қарши уруш

гирдобига тортишга ҳаракат қила бошлайдилар. Гарчи бу ҳаракат ўзини урушга қадар оқламаган бўлсада, биринчи жаҳон уруши даврида турк эмиссарларининг фаолияти

кучайиб, маълум бир қутилган натижаларни берганлигини кўришимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Васильев А.Д. “Знамя и меч от падишаха”. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). – М. : институт востоковедение РАН, ПРОБЕЛ – 2000. 2014. – 356 с.
2. Васильев А.Д. Взаимоотношения Османской империи и государств Центральной Азии в середине XIX – начале XX вв.//автореф. диссертации на сомск. учён.степ. Кандидат ист.наук – М.: 2007. – 46.
3. Восстания 1916 г. В Азиатской России: Неизвестное об известном (к 100 – летию высочайшего повеления 25 июня 1916г.):[коллективная монография] / [ред. – сост.: Т.В. Котюкова]. – М.: русский импульс, 2017. – 528 с.
4. Лундшувейт. Е.Ф. Турция годы первой мировой войны 1914-1918 гг. – М.: Наука, 1966. – 127 с.
5. Массон В.М., Ромадин В.А. История Афганистана том II. – М.: Наука, 1965. – 550 с.
6. Рахмонкулова З. XVI– XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Усмонийлар давлатлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи / Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. – Т.: 2002. – 139 б.
7. Санкт-Петербург.//Туркестанский сборник. Том. 151. – С. 13.
8. Халфин Н.А. Провал Британской агрессии в Афганистане <http://militera.lib.ru/research/halfinna1/index.html>
9. ЎМА, И-1-фонд, 32-рўйхат, 300-йиғма жилд, 35-варақнинг орқа томони.
10. ЎМА, И-22-фонд, 1-рўйхат, 1201-йиғма жилд, 76-варақ.